Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


№ 120 (5981).

21 ИЮНЬ СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ



МОСКВА, Внуково, 20 июнь. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Парижга расмий визит билан жўнаб кетмоқда. ТАСС—ЎзТАГ фотохроникаси.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ФРАНЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Франция Республикаси президентининг таклифига биноан 20 июнь куни расмий визит билан Москвадан Францияга жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетишди.

СССРнинг Давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. У. Черненко, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. В. Кузнецов, С. Б. Ниёзбеков, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, В. П. Рубен, Г. Э. Цуканов, А. П. Шитиков, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар М. П. Георгадзе, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари К. М. Боголюбов, Ю. М. Чурбанов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. А. Голиков, СССР Олий Совети Президиуми секретариатининг бошлиғи В. И. Васильев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Францияннг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Дюпон бор эди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ ФРАНЦИЯГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 20 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Франция Республикасининг президенти В. Жискар Д'Эстэннинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев расмий визит билан бугун бу ерга келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев Л. И. Брежнев билан бирга келдилар.

Орли аэропорти СССР ва Франциянинг давлат байроқлари билан безатилган. Осмонда совет ҳаво кемаси «ИЛ-62» пайдо бўлади. Франция ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи самолётлари Франция чегарасидан бошлаб унга фахрий эскорт бўлиб келмоқдалар. Маҳаллий вақт билан соат 12 дан 30 минут ўтганда махсус самолёт ерга қўнади.

Франция президенти В. Жискар Д'Эстэн самолёт зинапоясн олдида Л. И. Брежневни қизғин ва самимий табриклайди. Л. И. Брежневни ва у билан бирга келган расмий кишиларни СССРнинг Францияда ги элчиси С. В. Червоненко, Франциянинг СССРдаги элчиси Б. Де Лесс ҳам кутиб оладилар.

Кутиб олиш чоғида Л. И. Брежневга олий ҳарбий иззат-икром кўрсатилади. Совет Иттифоқи ва Франция Республикасининг давлат гимнлари тантанавор янграйди. Аэродром майдонида қуролли кучлар уч туридан иборат фахрий қоровул, шунингдек «Нормандия—Неман» авиаполкидан 7 қирувчи самолётининг учувчилар состави саф тортиб турибди. Бу полк Улуғ Ватан уруши йилларида Совет ҳарбий ҳаво бўлинмалари билан бирга жанг қилган ва кўрсатган қаҳрамонликлари учун Франциянинг олий мукофотлари ҳамда Совет Иттифоқининг Қизил Байроқ ва Александр Невский жанговар орденлари билан тақдирланган.

Л. И. Брежнев билан В. Жискар Д'Эстэн фахрий қоровул сафини айланиб ўтишгач, олий мартабали меҳмонлар салони сари йўл оладилар. Болалар Л. И. Брежнев билан В. Жискар Д'Эстэнга қизил гулдасталар тутқазадилар. Бу ерда Л. И. Брежневга Франция Республикасининг бош министри Р. Барр, Сенат раиси А. Поэр, Миллат мажлисининг раиси Э. Фор, Ташқи ишлар министри Л. Де Гиренго, Франция ҳукуматининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар таништирилади. Л. И. Брежневга ҳамроҳ бўлиб борган совет расмий кишилари, шунингдек СССР элчихонасининг ходимлари Франция президентига таништирилди.

Франция президенти микрофон ёнига келиб, табрик нутқи сўзлайди:

Раис жаноблари, Сизнинг Францияга қилган визитингиз Совет раҳбарлари билан Франция раҳбарлари ўртасида юксак доирада ўтказилувчи учрашувларнинг анъаналарига мос келади. Сиз СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганингиздан бир неча кун ўтгач бу ерга келдингиз. Шунинг учун ҳам биз Сизни бепоён ва қудратли Совет Иттифоқига бошлиқ бўлиб эгаллаб турган юксак лавозимингизга мос ҳамма иззат-икром билан қабул қилиб олямпиз. Биз дунё олдида: кескинликни юмшатиш сиёсатини давом этириш, ядро қуролларининг тарқалиш хавф-хатари, қурол-яроғ запасларининг кўпайиши ва дунёнинг турли районларида кескинлик ўчоқлари сақланиб қолишидан иборат жиддий проблемалар турган бир пайтда учрашмоқдамиз. Сизни қабул қилиб олаётиб, Франция кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқ эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ерда гап биз учун онгли ва узоқ муддатга мўлжаллаб танланган йўл тўғрисида бораётир. Биз концепцияларимиз ўртасидаги тафовутларни ҳам, ҳар биримиз ўз принципларимизга содиқ бўлиб қолишимизни ҳам инкор қилмаймиз, албатта.

Ҳар биримизнинг зиммамизда ўз мамлакатимизнинг хавфсизлиги учун масъулият бор, албатта, лекин шуни ҳам биламизки, кескинликни юмшатиш сиёсатининг бирдан-бир зиддияти халқларимизнинг тўқнашуви ва қирғинидир. Бугунги кунда кескинликни юмшатиш тинчлик ва халқларнинг бир-бирлари билан яқинлашуви сари очилган бирдан-бир йўлдир. Раис жаноблари, шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, учрашувларимиздан сўнг Сизнинг кескинликни юмшатиш ишига шахсан содиқлигингизни ва Совет Иттифоқи сиёсатини белгилашда бу ишга муҳим аҳамият бераётганлигингизни яхши биламан. Франция билан Совет Иттифоқи — кескинликни юмшатиш сиёсатига унинг асл характерини бахш эта оладиган Европадаги бирдан-бир мамлакатлардир.

Биз мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қиламиз. Аминманки, шу ҳамкорликка янги бир омил бағишлай оламиз.

Раис жаноблари, мамлакатингизни кўпдан бери биладиган ва тинчлик манфаатлари йўлида биргалашиб ишлаяжагимизга умид боғловчи қўҳна ва шу билан бирга замонавий мамлакат—Франция диёрига хуш келибсиз.

Совет халқига тинчлик ва равнақ тилайман!

Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлайди:

Президент жаноблари!
Муҳтарам дўстлар!

Эзгу сўзларингиз учун, мана шу самимий кутиб олганлигингиз учун сидқидилдан раҳмат. Биз мамлакатимизга, совет халқига нисбатан дўстлик туйғуларининг ана шундай изҳор этилишидан мамнун бўлдик.

Париж билан яна учрашаётганлигимиздан хурсандман. Сизларнинг гўзал пойтахтингизни кўриш, Францияннг ажойиб халқи билан бирга бўлиш ҳамиша ёқимли. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни янада ривожлантириш учун ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун наф келтиришига мен амин бўлган иш қилинишини ўйлар экансан, бу — икки ҳисса ёқимлидир.

Президент жаноблари, биз ана шундай кайфият билан келдик, Сиз билан ва Франция Республикасининг бошқа раҳбар арбоблари билан бўладиган суҳбатларга ҳам шундай назар билан қарайміз.

Ўн йилдан ошдики, Совет—Франция муносабатлари, таъбир жоиз бўлса, юқорилаб борувчи чизиқ бўйлаб ривожланиб, поғонама-поғона юксакликка кўтарилмоқда. Ҳар сафарги поғонага чиқилгач, олдинда тобора кенг ва равшан уфқлар очилмоқда. Бу — тинчлик, ўзаро ҳурмат ва яхши ҳамкорлик уфқларидир.

Келинглар, замондошларимизнинг ва келажак авлодларимизнинг бахт-саодати йўлида биргалашиб ишлайлик, шу йўлдан бораверайлик.

Шодиёна кутиб олганлигингиз учун яна бир бор ташаккур айтаман ҳамда барча французларга эсон-омонлик ва бахт-саодат тилайман.

Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон Франция Республикасининг президенти билан бирга автомашинага тушиб, мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида шаҳардан ташқаридаги Рамбуйе қароргоҳи сари йўл оладилар. Франция билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган Советлар мамлакатининг раҳбарини Париж гоят шодиёна кутиб олади. Орли аэропортидан Рамбуйега боравершда Франция аҳолиси Л. И. Брежневни самимий табриклаб турди.

Л. И. Брежнев Рамбуйега келганда республика гвардиясининг бўлинмаси унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қароргоҳи устида Совет Иттифоқининг Давлат байроғи кўтарилади.

А. БАРАНОВ,
О. ШИРОКОВ.

ХАЛҚНИНГ ХОҲИШ—ИРОДАСИ БИЛАН

Ўзбекистон олимлари СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаганлиги ҳақидаги хабарни эўр мамнуният билан кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни Совет давлатининг бошлиғи лавозимига кўрсатиш ҳақида КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг тавсияси ниҳоятда асосли тавсиядир. Коммунистлар, барча совет кишилари Леонид Ильични партия ва давлатимизнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби деб биладилар. Мамлакатимизнинг ҳозирги вақтда сиёсат соҳасида халқаро майдонда эришган муваффақиятлари, Совет Социалистик Республикалари экономикаси ва маданиятининг равнақ топиши Л. И. Брежнев номи билан маҳкам боғлангандир.

Совет Ўзбекистони ана шундай равнақ топганликни кўрсатувчи яққол мисолдир. Атиги ярим аср муқаддам аҳолиси ёппасига саводсиз ўлкада ҳозирги вақтда кўплаб тадқиқот муассасаларига эга бўлган республика Фанлар академияси ишлаб турибди. Бу тадқиқот муассасаларининг коллективлари ижтимоий тараққиёт ва фан-техника ривожининг муҳим масалаларини ҳал этишга кўмаклашувчи кўпгина муҳим проблемалар устида самарали иш олиб бормоқдалар. Республикамизда кўплаб олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот институтлари бор, учта давлат университети ишлаб турибди. Бу университетлардан бири Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг марказн — Нукус шаҳридадир. Ҳолбуки, қорақалпоқлар учун биринчи алифбе чиқарилган кунга ҳали эллик йил ҳам тўлгани йўқ.

Ҳозирги кунда Советлар мамлакатининг халқлари ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида рўёбга чиқараётган улкан ўзгаришларнинг замондоши ва қатнашчисимиз. Бу эса биз учун катта бахтдир. Совет кишилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми раиси лавозимига сайланганлиги КПСС XXV съездининг тарихий режаларини бажаришда, коммунистик жамият қуришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишда кўмаклашувига амин-дирлар.

Улуғ ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

1977 ЙИЛ 19 ИЮНДА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР ЯКУНИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

1977 йил 19 июнда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига бўлиб ўтган сайловлар коммунистик партия ва халқ енгилмас бирлигини, сайловчилар активлиги ва уюшқоқлигининг ўсганлигини намойиш қилди.

Область сайлов комиссияси томонидан олинган маълумотларга кўра, область Советига депутатлар сайлашда сайловчиларнинг 99,99 процента иштирок этди. Коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун сайловларда қатнашган умумий сайловчиларнинг 99,91 процента овоз берди.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари, область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайловлар ўтказиш тўғрисидаги Низомга кўра область сайлов комиссияси барча сайлов округларидан 380 депутат сайланганлигини қайд этди.

Сайланган депутатларнинг 183 нафари ёки 48,2 процента аёллар, 166 нафари ёки 43,7 процента партиясизлар, 117 нафари ёки 30,3 процента ишчилар, 95 нафари ёки 25 процента колхозчиларни ташкил этди.

Тошкент область Советига сайлов ўтказиш бўйича область сайлов комиссияси.

1977 ЙИЛ 19 ИЮНДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР, РАЙОН, ПОСЁЛКА ВА ҚИШЛОҚ СОВЕТЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР ЯКУНИ ҲАҚИДА

АХБОРОТ

1977 йил 19 июнь, якшанба куни Тошкент области меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советларига депутатлар сайлаш бўйича сайловлар бўлиб ўтди. Барча сайлов участкаларида овоз бериш эрталаб соат 6 дан бошланиб, кечқурун маҳаллий вақт билан соат 10 да тугади.

Сайловлар ҳамма жойда сайловчиларнинг юксак активлигида уюшқоқлик билан ўтди.

Шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссияларн тегишли Советлар бўйича сайловлар натижаси тўғрисидаги зарур маълумотларни ўз вақтида олиб турдилар.

Сайлов комиссияларининг маълумотларига кўра сайловларда рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг:

шаҳар Советларига 99,99 процента,

район Советларига 99,95 процента,

посёлка Советларига 100 процента,

қишлоқ Советларига 100 процента сайловларда иштирок этди.

Коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун сайловчиларнинг:

шаҳар Советларига 99,83 процента,

район Советларига 99,96 процента,

посёлка Советларига 99,87 процента,

қишлоқ Советларига 99,98 процента овоз берди.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларига сайловлар ўтказиш тўғрисидаги Низом асосида шаҳар, район, посёлка, қишлоқлар сайлов комиссиялари шаҳар Советларига 1396 депутат, район Советларига 1784 депутат, посёлка Советларига 1368 депутат, қишлоқ Советларига 7438 депутат сайланганлигини қайд қилдилар. Ҳаммаси бўлиб Тошкент область шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советларига 11986 депутат сайланди, шу жумладан аёллар 6069 ёки 50,63 процент, КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатлар 5368 ёки 44,78 процент, ишчилар 4266 ёки 35,59 процент, колхозчилар 3817 ёки 31,84 процентни ташкил этди.

Оққўрғон район Совети депутатлигига номзод вафот этгани муносабати билан шу район округларидан бирида сайлов ўтказилмади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТУРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси 22 июнь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Тўртинчи сессияга келаётган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 21 июнда эрталаб соат 10 дан 14 гача ва 15 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида, 22 июнь куни эса эрталаб соат 9 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биносида рўйхатга олинади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ XVI ЧАҚИРИҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ I СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Область ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ.

Меҳнаткашлар депутатлари XVI чақириқ область Советининг I сессияси 1977 йил 27 июнда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Советнинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин.

1. Ташкилий масалалар.

2. СССР Конституцияси (Асосий қонуни)нинг лойиҳаси ва КПСС Марказий Комитети май (1977 йил) Пленуму ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги доклади асосида, область меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида.

3. Сайловчилар наказларини бажариш бўйича тадбирлар ҳақида.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси
П. ЮСУПОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.

Тошкент шаҳри,
1977 йил 20 июнь.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Тошириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун —мавсум бошидан буён.

Калинин	0,9	69,6
Ўрта Чирчиқ	0,2	68,7
Оққўрғон	0,3	68,6
Қуйи Чирчиқ	0,1	64,8
Бекобод	1,2	63,3
Пискент	0,2	63,3
Бўка	0,7	63,2
Охангарон	0,4	60,7
Тошкент	0,9	59,4
Чиноз	0,4	53,8
Оржоникидзе	—	51,6
Янгийўл	0,7	49,1
Юқори Чирчиқ	0,1	45,2
Бўстонлиқ	1,3	39,0
Область бўйича:	0,5	59,3

Франция Л. И. БРЕЖНЕВни табриклаб кутиб олмоқда

ПАРИЖ, 20 июнь. (ТАСС). Франциянинг сиёсий ва савдо-саноат доиралари, мамлакатнинг кенг жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга келишини қизғин табрикламоқдалар.

Л. И. Брежневнинг Францияга қилаётган визити давлатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди Франция ташқи савдо министри А. Росси. Франция — Совет савдо-иқтисодий ҳамкорлиги жуда яхши шароитларда ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмини икки баравар ошириш борасида Л. И. Брежнев билан Франция президенти В. Жискар Д'Эстэн томонидан қўйилган мақсадга эришилди.

Л. И. Брежневнинг Францияга қилаётган визити, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Франциянинг собиқ бош министри, Миллат Мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. Кув Де Мюрвиль, Француз—Совет муносабатларини яхшилашга ўзаро интилишни ифодалайди. Бу интилиш Франция билан Совет Иттифоқининг миллий манфаатларига, бутун дунёнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, Европада ва унинг ташқарисида тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатиш ишига катта ҳисса қўшади.

Биз Франциядагилар Леонид Ильич Брежневни ўз юртимизда табриклаб кутиб олаётганимиздан хурсандмиз, деди таниқли сиёсий арбоб К. Эстье. Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсий фаолиятини, Л. И. Брежнев бу сиёсатга шахсан жуда катта ҳисса қўшаётганлигини француз жамоатчилигининг кенг доиралари тўла-тўкис тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар, Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганидан кейин чет эл мамлакатлари орасида биринчи бўлиб айни Францияга келганлигини ўйлаганда, кишини чуқур мамнуният туйғуси чулғаб олади, деб таъкидлади Юқори Сена департаментидаги Сюрен шаҳрининг мэри Р. Понтийон.

Мен КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Францияга қилаётган визитини миллион-миллион ватандошларим билан биргаликда табриклайман, деди «Франция—СССР» жамияти президентлик кенгашининг аъзоси, Франция Республикасининг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси М. Дежан ТАСС мухбири билан суҳбатда.

Бугун Париж матбуоти Л. И. Брежнев визитининг француз — совет муносабати ривожи учун ҳамда тинчлик ва кескинликни юмшатиш иши учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

«Фигаро» газетасининг биринчи саҳифасида катта ҳарфлар билан терилган «Кескинликни юмшатиш — муштарак мақсад» деган сарлавҳага кўзи тушади.

«Генерал Де Голль замонида Москва билан Париж ўртасида ташланган кўприк, деб ёзади «Юманите» газетаси, халқаро кескинликни юмшатишга ҳал қилувчи тарзда кўмаклашди.

«Юманите» газетаси француз—совет муносабатларининг мустаҳкамланишидан Франция фақат наф кўриши мумкинлигини қайд этиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг визити СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорликни иккала мамлакат ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида янада ривожлантиришга кўмаклашади, деб таъкидлади.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ЛЕКТОРЛАР КУНИ

ПАРТИЯ, совет ва маъмурий ходимлар, область партия комитетининг штатсиз лекторлари ва сиёсий докладчилари, пойтахт олий ўқув юртлари ва техникумлари ўқитувчиларидан иборат 500 дан ортиқ киши шаҳар ва районларда лекция ва суҳбатлар ўтказдилар.

Улар областимиздаги саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда, қурилиш объектларида КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Конституция комиссияси раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар ҳамда СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида меҳнаткашлар ўртасида катта тушунтириш ишларини олиб бордилар.

ДАЛА шийпони одамлар билан гавжум. Ҳозиргина улар ғалла ўримидан қайтишди. Йиғилиш кун тартиби ҳаммага маълум. «Оҳангарон» совхози партия комитетининг секретари С. Султонқулов, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти сиёсий иқтисод кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Зокирова сўз беради:

— Конституция лойиҳасида, совет кишиларининг эркин меҳнати ижтимоий бойликни кўпайтириш, халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини ошириш манбаидир, дейилади. Биз ҳузуримизга келар эканмиз, совхозингиздаги шаҳар микрорайонларидан қолишмайдиган посёлкалар, маданий-маиший муассасалар, совхоз ишчи-хизматчилари учун яратиб берилган имкониятларни кўрдик. Ғалла ўрим-йиғимида кўрсатаётган ғайрат-шижоатингиз, меҳнатингиз партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрликка муносиб жавобдир.

Конституция лойиҳасининг эълон қилиниши шонли кунларга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтга тўғри келди. Янги Конституция лойиҳаси 40 йил мобайнида рўй берган ўзгаришларни ифодалаб, мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги фактини мустаҳкамлайди. Бинобарин, биринчи марта бизнинг қонунчилигимизда ривожланган социалистик жамиятнинг характерли хусусиятлари очиб берилмоқда. СССРда қудратли ишлаб чиқариш кучлари, илғор фан ва маданият барпо қилинди, халқнинг фаровонлиги муттасил ўсиб бормоқда, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун тобора қулай шароитлар вужудга келмоқда.

Бизда етук социал ижтимоий муносабатлар шаклланди. Бу жамият гоят уюшган, ғоявий ва онгли меҳнаткашларнинг, ватанпарварлар ва интернационалистларнинг жамиятидир. Бизнинг жамиятимизда ҳар бир кишининг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши қонун бўлиб қолган.

КПСС XXV съезди кўрсатмаларига мувофиқ лойиҳа социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Бу аввало, Советларни ташкил этишдаги ва уларнинг фаолиятидаги демократик принципларни янада ривожлантиришда, давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда, қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда халқ оммасининг кенг иштирок этишига, совет граждапларининг тенг ҳуқуқларини ва эркинлигини мустаҳкамлашда ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Конституция лойиҳасида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш, қишлоқ хўжалиги ишларини индустрлаш асосига қуриш ҳақида программ вазифалар қўйилган. Бунда меҳнат шароитини яхшилаш, қўл кучини талаб қилувчи оғир жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш, ҳунар-техника таълимотини кенгайтириш ҳақида қимматли фикрлар билдирилган.

Навбатдаги сўз Тошкент Давлат Медицина институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси А. Тўрабековга берилади:

— СССР Конституциясининг янги лойиҳаси кириш қисми, 9 бўлим ва 21 бобдан иборат бўлиб, 173 моддани ўз ичига олади. Конституция лойиҳасида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг буюк яратувчилик кучи янги жамият учун курашдаги роли яққол кўриниб турибди. Унда совет халқининг 60 йил ичида босиб ўтган шонли ва зафарли бунёдкорлик ишлари чуқур анализ қилинар экан, Ватанимизнинг равнақида партиянинг раҳбарлик роли ўз аксини топди. Меҳнаткашлар яхши биладиларки, Коммунистик партия — халқ партиясидир ва у халқнинг бахт-саодати учун курашади.

Бригада аъзолари лекцияларни диққат билан тингладилар. Ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга қониқарли жавоблар олдилар.

— Асосий Қонун лойиҳасини бригадамиз бўйича ўрганиб чиқдик,— дейди бригада аъзоси, слесарь С. Қашанов: Мен ҳар гал такрор ўқир эканман, ҳар бир сатрида янгидан-янги мазмун топаман. Шунда ҳаяжонимни ичимга сиғдира олмайман. «Давлат меҳнаткашларнинг ижодий активлигига, социалистик мусобақага, фан-техника тараққиётининг муваффақиятларига таянib, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, халқ хўжалигининг узлуксиз ва мутаносиб ривожланиб боришини таъминлайди». Бу сўзларда олам-олам мазмун бор. Мен 20 йилдан бери техника билан ишлайман ва унинг қадрини биламан. Партия ва ҳукумат қудратли машиналарни қўлимизга бериб қўйибди. Унумли меҳнат қилиш учун барча шароит бор. Йилдан-йилга қул меҳнати камаймоқда.

Бригадамиз аъзоси Нурали Шеров мавсумда 400 тоннадан ошиқ ғалланы ўриб бераман деб турибди. Ҳар куни 5—6 гектар майдондаги ғалланы ўриб берялти. Ҳозир бутун совхоз аҳли ўроқ кўтариб чиққудек бўлса, шу Нуралининг бир кунда комбайнда йиғаётган ғалласини ололмаса керак. Илгари ўроқ билан ғалла ўрганимизда ярмига етмасимиздан қолган қисми пишиб, маромидан ўтиб кетарди.

Фан ва техника ютуқлари туфайли ишимиз осонлашган, меҳнат унумдорлиги ўсди, меҳнаткашларнинг ижодий активлиги янада ошди. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга турмушимиз фаровонлашяпти, моддий ва маънавий бойлигимиз юксакликка кўтарилмоқда. Конституция лойиҳасида эса ана шу соҳаларни янада ўстириш кўзда тутилган.

Сўзга чиққан бошқа бригада аъзолари ҳам партия ва ҳукуматга қалб ташаккурини изҳор этиб, янги Конституция лойиҳасини бир овоздан маъқулладилар.

Ҳақиқатан, бригада, совхоз меҳнаткашлари Асосий Қонун лойиҳасини қувонч билан кутиб олиб, янгидан-янги зафарларга интилмоқдалар. Бу йил ғаллакорлар учун оғир келди. Етингарчиликнинг кам бўлиши кўп меҳнат талаб қилди. Ғаллакорлар табиат қийинчилиги олдида эсанкирамай, бутун кучини ишга солдилар. Коллектив ҳозироқ йиллик планда белгиланган маррани эгаллаш олдида турибди.

Коллектив бу йил 4200 тонна сабзавот, 2050 тонна сут, 300 тонна гўшт, 1,5 минг тонна мева, 1,5 миллион дона тухум етказиб беришдек шарафли вазифа олган. Ҳозироқ топширикда кўрсатилган 13 тонна ўрнига 13 тонна 400 килограмм пилла, 34 тонна ўрнига 42 тонна жун топширилди. Хўжалик коллективи ўтган йили 120 минг сўм соф фойда олган бўлса, бу йил ярим миллион сўмлик фойда олиш мўлжалланмоқда.

Областимизнинг бошқа шаҳар ва районларида бўлиб ўтган лекция ва суҳбатларда ҳам кенг меҳнаткашлар оммасига СССР Конституциясининг янги лойиҳаси тушунтириб берилди.

Тингловчилар лекторларга бир қатор саволлар бердилар.

— Нима учун янги Конституция ишлаб чиқилди, янги Конституциянинг аввалги Конституциядан фарқи нимада?— деб сўради Бекобод районидаги 45-автобаза шофери У. Рустамов.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси Л. Ким бунга қуйидагича жавоб берди.

ЖАВОБ: Ҳозир амалда бўлган Конституция билан янги Конституция лойиҳаси ўртасида принципиал фарқ йўқ. Энди янги Конституция лойиҳасининг тузилишига келсак ўтган 40 йил ичида мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар юз берди.

1936 йилги СССР Конституциясида социалистик жамиятнинг асосий вазифалари ва мақсади белгилаб берилган эди. Халқ хўжалигининг техникавий даражаси ривожланган индустриал мамлакатларнинг даражасидан анча орқада эди. Энди мамлакатимиз юксак ривожланган давлатга айланди, экономикаси ниҳоятда ўсди, жамиятимизнинг социал қиёфаси ўзгариб кетди.

Бизнинг ҳозирги ишчиларимиз ўқимишли, техникавий жиҳатдан саводли, сиёсий жиҳатдан етук кишилардир. Уларнинг ижтимоий активлиги, давлатни идора қилишдаги иштироки ниҳоятда кучайган. Деҳқонлар эса замонавий техниканинг тилини билади. Маълумот савияси, ҳаёт тарзи эса шаҳарликларникидан қолишмайди. Зиёлилар чинакам халқчил, социалистик зиёлиларга айланди. Халқнинг маданият даражаси ошиб, коммунистик қурилишда илм-фаннинг роли мислсиз ривожланди. Илгари иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган республикалар эндиликда юксак ривожланиш даражасига эришдилар.

Етук социализм қурилиб, аҳолининг барча қатламлари ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позицияларига ўтгач, пролетариат диктатураси сифатида вужудга келган давлатимиз умумхалқ давлатига айланди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Совет Иттифоқининг халқаро мавқеи янада мустаҳкамланди. Қудратли социалистик ҳамдўстлик вужудга келди. Энди янги жаҳон урушининг олдини олишнинг реал имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга бу борада жуда катта тадбирларни амалга оширишимиз ҳам лозим.

— Давлат ҳокимиятининг маҳаллий ва олий органларига сайланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар учун белгиланган ёшнинг камайтирилганлигига сабаб нима?— деб сўради Янгийўл районидаги ун заводининг экономисти К. Чернова.

Ўзбекистон ССР адлия министрлигининг катта консультанти Н. Чернишенко бу саволга қуйидагича жавоб берди.

ЖАВОБ: Ҳозирги Конституцияга мувофиқ 23 ёшга тўлган кишиларгина СССР Олий Советига, 21 ёшга тўлган кишилар иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайланиш ҳуқуқига эга бўлсалар, энди 18 ёшдан бошлаб барча совет гражданларига ана шундай ҳуқуқ бериш таклиф этилди. Сайланиш ҳуқуқини ёшга нисбатан камайтирилишига сабаб биринчи галда ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги ниҳоятда ўсиб бораётганлиги туфайли юзага келди. Ҳозир бу ёшдаги кишиларнинг онг даражаси юксак. Улар ишлаб чиқаришда, жамоат ташкилотларида ўзларининг билимдонликлари, ишчанликлари, ташкилотчилик қобилиятларини намойиш этмоқдалар. Шу билан бир қаторда бу таклифнинг киритилиши мактаб коллективлари, жамоат ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Педагоглар ёшларнинг ақлий ва жисмоний камолатларини таъминлаш учун курашишлари, коммунистик жамият қурилишининг муносиб кишиларини тарбиялаб етказишлари керак.

Халқ ҳокимиятининг органларида иштирок этиш ёшлар учун давлат ишларини бошқаришда яна бир намунали мактаб ролини ўтайди. Бу иш жамиятимизнинг ёшлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг, уларга бўлган ишончнинг намунасидир.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми якунлари, СССРнинг янги Конституция лойиҳаси меҳнаткашлар ўртасида кенг муҳокама қилинаётган бир пайтда Тошкент область партия комитети ўтказган Лекторлар куни мақсадга мувофиқ иш бўлди. Учрашувлар, суҳбатлар, лекциялар давомида меҳнаткашлар Асосий қонун лойиҳасида баён этилган ҳуқуқ ва бурчларининг янги қирралари билан янада чуқурроқ танишдилар. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларидан руҳланиб янада самарали меҳнат қилишга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақани кенг қулоч ёйдиришга аҳд қилдилар.

Э. САИДАКБАРОВ,
Тошкент область партия комитетининг лектори,

Б. ПУЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

Қўшин турларининг биргаликдаги ҳаракати масалаларини пишиқтириш мақсадида «Карпати» деган шартли ном билан 1977 йил 11 июлдан 16 июлгача бўлган даврда Луцк, Львов, Ровна районларида Карпат бўйи ҳарбий округи қўшинларининг ҳарбий машқларини ўтказиш мўлжалланади. Машқларга ҳарбий-ҳаво кучлари қисмлари ва бўлинмалари билан биргаликда қуруқликдаги қўшинлар ҳам жалб этилади.

Машқларда қатнашувчи қўшинлар сони қарийб 27 минг кишидан иборат бўлади.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ГДРНИНГ ЯНГИ БАЙРАМИ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари ҳамда социалистик қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ходимлари куни» биринчи марта нишонланди. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Хонеккер қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ходимлари номига табрик телеграммаси йўллади. Бу телеграммада қишлоқ меҳнаткашлари республиканинг социалистик хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришганлиги таъкидлаб ўтилади. Байрам тантанаси Лейпциг — Марклеебергдаги «Агра-77» умумреспублика қишлоқ хўжалик виставкаси территориясида ҳам бўлиб ўтди. Байрам муносабати билан қишлоқ хўжалик илғорларининг катта бир группасига «ГДР қишлоқ хўжалик кооперативининг хизмат кўрсатган аъзоси» ва «ГДР қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг хизмат кўрсатган ходими» фахрий унвони берилди.

ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БОГОТА. Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрамини ўтказувчи комитет тузилди. Бу комитетга мамлакатдаги 25 сиёсий, касаба союз, маданий ташкилотлар ва бошқа оммавий ташкилотларнинг вакиллари кирди. Булар орасида Колумбия Компартияси, меҳнаткашлар касаба союз конфедерацияси, коммунистик ёшлар союзининг аъзолари бор. Комитетнинг мажлисида ижроия секретариати сайланди. Бу секретариат шонли сана шарафига белгиланган турли тадбирлар программасини амалга ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб олиб боради.

БОШ МИНИСТРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БАЙРУТ. Ливан бош министри С. Хосс бу ерда чет эл журналистларига қуйидагиларни айтди. Мамлакатда сиёсий проблемаларни бартараф қилмай туриб, Ливан олдида турган асосий проблемаларнинг бирортасини ҳам ҳал этиш мумкин эмас. С. Хосс мамлакатнинг жанубидаги вазиятни, тирикчилик қилиш қимматлашиб бораётганлигини ва қочоқларнинг аҳволини шундай проблемалардан деб атади.

С. Хосс 19 ой давом этган уруш ҳаракатлари натижасида Ливаннинг кўрган бевосита моддий зарари 7,5—8 миллиард Ливан фунтини ташкил этади, деди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● СОФИЯ. Варнада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши рангли металлургия доимий комиссиясининг 46-мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари шу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар. Ярим ўтказгич материаллар, гоят соф ва алоҳида физик хусусиятларга эга металлар ишлаб чиқариш ва улардан чала тайёр маҳсулотлар тайёрлашни кўп томонлама ихтисослаштириш ва кооперациялаш тўғрисида шартномалар имзоланди.

● ВАШИНГТОН. Ракеталар конструктори ва Америка космик программасининг раҳбарларидан бири Вернер Фон Браун 65 ёшида вафот этди. Фон Браун 1945 йилдан буён Қўшма Штатларда яшарди, бу ерга у Германиядан келган эди.

● ТОКИО. Япония бош министри Т. Фукудад иқтисодий тушкунлик натижасида айниқса кўп зарар кўраётган индустрия тармоқларига ёрдам беришнинг шошилинч чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилди. Булар аввало рангли металлургия, саноатнинг тўқимачилик ва химия тармоқларидир.

Иқтисодий планлаштириш бошқармасининг маълумотларига қараганда, Японияда саноат ишлаб чиқариши шу йилнинг апрель ойида 1,4 процент камайган. Мамлакатда мутлақо ишсизлар сони ҳозирги вақтда бир миллион кишидан анча ошади.

(ТАСС).

Чин юракдан қутлаймиз

Шу кунларда барча совет кишилари каби биз олий ўқув юртларининг талабалари ҳам СССР янги Конституцияси лойиҳасини чуқур ўрганаяпмиз. Асосий Қонунда баён этилган ғоялар, халқимизга берилган олийжаноб ҳуқуқ ва бурчлар ёш қалбларимизни ифтихор ҳиссилари билан тўлдирмоқда. Чиндан ҳам биз ёшларнинг бепул ўқишимиз, яна бунинг устига давлат стипендияларининг берилиши партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод ҳақидаги буюк ғамхўрлигидан нишонадир.

Хушхабар устига хушхабар. Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ҳақидаги хабарни биз группамиз студентлари билан биргаликда Бўстонлиқ районида илмий-амалий практика ўтказаётган вақтимизда эшитдик. Радио ва «зангори экран» қувончли воқеани эълон қилди. СССР Олий Советининг сессияси давримизнинг энг ажойиб кишиси, буюк истеъдод эгаси, заковатли сиёсатдон, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайланганлиги билан чин юракдан қутлаймиз ва унга узоқ йиллар сиҳат-саломатлик, серқирра фаолиятида катта муваффақиятлар тилаймиз!

Маъруфа ОРИФЖОНОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти география факультетининг 2-курс студенти.

МЕҲНАТГА РУҲЛАНТИРИБ

Колхознинг бепоён далаларида меҳнат симфонияси авжида. Каттадан-кичик ҳамманинг фикри-зикри яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан қутиб олишга эл-юрт дастурхонини ширин-шакар мева, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми қарорлари, Совет давлатимизининг янги Асосий Қонуни бўлган СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига чиқарилиши эса колхоз аҳлининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди.

— Колхозчиларимизни нг руҳлари тетик. Улар зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Р. Худойбергенов. — Янги Конституция лойиҳасининг моддаларида битилган ҳар бир сўз, ҳар бир принцип уларнинг қалбидан чуқур жой олмоқда. Сиёсий ахборотчиларимиз ва агитаторларимиз шу кунларда сабзавотчилар, чорвадорлар, боғбонлар орасида ҳаётимиз қомусига киритилган янги қоидалар ҳақида совет кишиларининг ҳуқуқ ва бурчлари, совет демократиясининг афзалликлари ҳақида суҳбатлар ўтказишяпти.

Колхозчилар янги Конституция лойиҳасида совет гражданларининг ҳуқуқлари ҳар томонлама асосли қилиб таърифлаб берилганидан, бу ҳуқуқларнинг моддий гарантиялари янада тўлиқроқ, салмоқлироқ бўлиб қолганидан беҳад қувонмоқдалар. Масалан, лойиҳада баён этилган меҳнат қилиш ҳуқуқи «ўзларининг лаёқатларига, қобилиятларига, ўрганган касбларига, олган билимларига мувофиқ равишда ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб, машғулот ва иш танлаш» ҳуқуқи билан тўлдирилганлиги уларни айниқса мамнун қилмоқда.

Яқинда область партия комитети томонидан ўтказилган лекторлар куни қатнашчиларидан бир группаси Бўстонлиқ райони хўжаликларига, шу жумладан биз ҳикоя қилаётган Карл Маркс номли колхоз дала меҳнатчилари ҳузурига ҳам ташриф буюришди. Колхозга келган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институтининг ходимлари М. Аҳмедов ва Ҳ. Исмоилов ўртоқлар хўжаликнинг И. Ҳасанова бошлиқ 3-бригадаси ва Р. Суроббоев бошлиқ 4-бригадаси аъзолари билан КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, Конституция комиссиясининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган доклади, янги Конституция лойиҳаси ҳақида суҳбат ўтказишди.

Суҳбатда қатнашган бригада раҳбарлари, сабзавотқор ва боғбонлар янги Конституция лойиҳасида баён қилинган қоидалар, принциплар ҳақида ўз мулоҳазаларини айтиб, уларни қизғин маъқуллашларини билдирдилар.

4-бригада бошлиғи Р. Суроббоев бундай деди:

— Конституция лойиҳасининг 22-модда сида: «СССРда қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш — қишлоқ жойларида халқ маорифи, маданият, соғлиқни-сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва коммунал хўжалик муассасаларининг шохобчаларини кенгайтириш, қишлоқларни обод посёлкаларга айлантириш программаси изчиллик билан амалга оширилаверади», деб ёзиб қўйилган. Бундан руҳланган бригадамиз аъзолари самарали меҳнат қилиб, дастлабки сабзавот маҳсулотларни етказиб бериш планини оширяб бажармоқдалар.

Колхознинг А. Рустамов бошлиқ боғдорчилик бригадасининг аъзолари ҳам бир неча ўн тонна эртаки мева ҳосилини шаҳарликларга армуғон этишди.

«Лекторлар куни»да қатнашиш учун Бўстонлиқ районига борган пойтахт олимлари, лекторлар шу куни ўндан ортиқ хўжалик ва корхонада меҳнаткашлар билан лекция ҳамда суҳбатлар ўтказишди.

А. МУХТОРОВ.

120 ЦЕНТНЕРДАН МАККАЖЎХОРИ УЧУН

Деҳқонлар маккажўхорини «дала маликаси» деб аъзозлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Уни севсанг, меҳр қўйиб парвариш қилсанг, маккажўхори ҳам қўнглингни чинакам маликалардек хушнуд этади. Биз буни ўтган йилги иш тажрибамизда ҳам синаб кўрдик.

Ўтган йили 70 гектар майдонга маккажўхори экиб, баракали хирмон кўтардик. Техникадан самарали фойдаланганимиз, ортиқча ҳаражатларга чек қўйганлигимиз туфайли бригадамизда мўл маккажўхори дони етиштирилди. Меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот таннархи камайди.

Ҳосилдорлик кўзда тутилганидан анча юқори бўлди. Планда белгиланган 55 центнер ўрнига 80,2 центнердан «қаҳрабо дон» йиғиштириб олдик. Даромад ҳам меҳнатимизга, кўтарилган хирмонга яраша бўлди. Бригадамиз бўйича маккажўхоридан 36 минг 491 сўм даромад олдик. Бу планда кўзда тутилганидан 11 минг 466 сўм кўпдир. Мўл ва сифатли маҳсулот етиштириб берганимиз учун жами ҳосилнинг 40 процентя миқдорида ёки 4586 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Йил охирига бориб ёз бўйи олиб келинган иш ҳақининг ҳар бир сўмига қўшимча равишда яна 53 тийиндан берилди.

Шундай қилиб, бригадамизда етиштирилган бир центнер маккажўхорининг таннархи 5 сўм 15 тийинга тўғри келди. Еки бошқача қилиб айтиладиган бўлса, бир центнер маккажўхори дони етиштириш учун 4,2 иш соати сарфланди.

Бригадамизнинг ўтган йилги иш тажрибаси янада кўп ва арзон маккажўхори дони етиштириш мумкин эканлигини кўрсатиб турибди. Биз ҳозир ана шу йўлдан боряпмиз.

Маълумки, бу йил бир группа маккажўхорикор комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ҳар гектар ердан 100 центнердан ва ундан ошириб «қаҳрабо дон» йиғиштириб олиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Бу ватанпарварлик ташаббуси республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. Меҳнатсевар коллективимиз аъзолари ҳам ана шу ташаббусга қўшилиб, гектаридан 120 центнердан маккажўхори дони етиштиришга сўз бердилар.

Юбилей йилида 70 гектар майдонга маккажўхори экдик. Барча майдонлардаги маккажўхори ернинг табиий намига ундириб олинди. Ниҳоллар ўз вақтида ягона қилиниб, озиқлантирилди, сифатли ишлов берилди. Ҳар гектар ерга 230 килограммдан азот, 130 килограммдан фосфор, 80 килограммдан калий солиниб, икки марта озиқлантирилди. Ерларга минерал ўғитлардан ташқари кўплаб маҳаллий ўғитлар ҳам солинди. Сувчиларимиз маккажўхорини сувдан толиқтирмаяптилар. Яхши парвариш қилинаётган ўсимлик борган сари дуркун ривожланмоқда.

Далаларимизда маккажўхорига механизмлар билан сўнгги ишлов бериш тугалланди. Эндиликда шарбат суви оқизилмоқда.

Дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказмоқдамиз. Сувчиларимиздан Қорабек Пўлатов, Элман Сентов, колхозчилардан Ким Тек Су, Константин Пақлар айниқса самарали меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда комсомолчасига ғайрат, шижоат билан меҳнат қилаётган маккажўхорикорларимиз ваъдага вафо қилиш учун бутун имкониятларини ишга солмоқдалар.

Петр СОН,
Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.



Токиодаги марказий кўчаларининг бирида Аэрофлот ваколатхонаси жойлашган. Ҳар куни Москва—Токио линияси бўйича парвоз қилаётган совет самолётлари ўн минглаб авиапассажирларни, минглаб тонна ҳар хил юкларни ўз манзилига етказмоқда. Суратда: Япония пойтахтидаги Аэрофлот валокатхонаси олдида.

ТАСС фотохроникаси.

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАНТАНАСИ

ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ

Тонг ота бу кун қуш уйғонмай киприк қоқди. Отанинг азалий одати эрта туриш, аммо бу тонг яна ҳам вақтлироқ турди. Бугун юртда тўй. Шундай экан, илдамроқ бориш керак.

Тонг ота Отақулов 83 ёшда. Салкам бир асрлик умрида бошидан нималарни кечирмади. У бойнинг ерида ҳам ишлади, лекин қорни овқатга тўймади, кийими ямоқдан чиқмади. Кўплар қатори инқилоб туфайли кўкрагига шамол тегди. Октябрь қуёши халққа эрк ва ер берди. У каби камбағаллар совет ҳукуматининг сиёсатини жон дили билан маъқуллади. Тонг Отақулов колхоз тузишда, саводсизликни тугатишда актив иштирок этди.

Бир вақтлар худди шу ерлар қирликдан иборат эди. Мана шу йўлдан бир жуфт от ўтса ярим кунгача чанги босилмасди. Мана энди асфальтланган катта кўчага айланди. Ажойиб посёлка пайдо бўлди. Замонавий типда қурилган мактаб, болалар богчаси, маданий-маиший бинолар, посёлка ҳусниға-ҳусн қўшиб турибди.

Бир вақтлар бир энлик хатни ўқишга бир саводхон бўлмаган қишлоқда ҳозир илмий-текшириш институти, агромактаб бор. Булар ҳаммаси Совет ҳукуматининг элга бўлган ғамхўрлиги намунасидир. Бугунги маҳалли Советларга сайловлар эса давлатнинг демократик принцип асосида қурилганлигининг бир намунасидир. Шундай экан, ота коммунистлар ва партиясизлар блоки учун барала овоз беради.

Сайлов участкасида отани ҳурмат билан қарши олишди. Карнай ва сурнайларнинг овози мактаб ҳовлисини тўлдириб, кўтарилади-ю далаларга сингиб кетади. Ота ичкарига кирди. Бюллетенни олиб, алоҳида хонада депутатликка номзодларнинг исм-фамилияларини ўқий бошлади. Уларни яхши танийди. Область Совети депутатлигига Хамидулла Мирфаёзовнинг номзоди кўрсатилган. Бу йигит Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими. Район Совети депутатлигига И. Каримов, Ш. Давронбеков, А. Ҳакимов, П. Йўлдошеваларнинг номзодлари қуйилган. Уларнинг ҳаммаси шу қишлоқ кишилари. Бири зиёли, иккинчиси механизатор, учинчиси ишчи.

Аввалги сайловда сайланган депутатлар ҳам ўтган давр ичида катта ишларни амалга оширдилар. Янгиянги қурилишлар қилинди, йўллар текисланди. Ҳозир хонадонларда табиий газдан фойдаланилмоқда, водопровод қувурлари ётқизилди. Посёлка марказида тишни даволаш поликлиникаси ишга туширилди, 500 точкали телефон станция эл хизматига топширилди. Депутатлар халққа маданий-маиший хизматни яхшилаш йўлида кўпгина тадбирларни амалга оширдилар. Шунинг учун ҳам бутун эл депутатларни ҳурмат қилади, барча масалалар бўйича мурожаат этади.

Сайловчилар орасида ишчи, хизматчи, ўқитувчи, олим ва бошқа турли касбдаги кишиларни кўриш мумкин. Сайлов бюллетенини қўлга олганлар орасида 18 ёшга тўлган, ҳаётида илк бор сайловда иштирок этаётган ёшлар ҳам бор. Улардан бири Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институти далачилигида тракторчи бўлиб ишловчи Ф. Абдурахимовдир. У биз билан суҳбатда шундай деди:

— Мен илк бор коммунистлар ва партиясизлар блокига овоз бермоқдаман. Бу кун менинг ҳаётимда ўчмас из қолдиради. Сайловга тайёргарлик ажойиб дамларга — СССР Конституциясининг лойиҳаси эълон қилинган кунларга тўғри келди. Асосий Қонун лойиҳасини эътибор билан ўрганиб чиқдик. Энди 18 ёшдан бошлаб барча совет граждан-ларига СССР Олий Советига ва Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайланиш ҳуқуқини бериш таклиф этилган. Бу айниқса, биз каби ёшларни ҳаяжонга солди. Мен ўйлайманки, ҳозирги ёшлар ана шундай ишончга лойиқ. Улар ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида ўзларини кўрсатмоқдалар.

Сайлов участкасига кириб келаётганларнинг кети узилмайди. Ҳамманинг чеҳрасида кувонч, қалбларида шодлик. Улар халқ фарзандларининг энг илғор кишиларини депутатликка кўрсатишга шошадилар. Ким билан таплашманг, янги СССР Конституциясининг лойиҳаси ҳақида, депутатларнинг ўтган сайлов даври ичида олиб борган ишлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди.

— Сайловолди тайёргарлиги,— дейди Тошкент районидаги 5-сайлов участкасининг Киров номли 1-мактабда жойлашган агитпункт мудири А. Каримов,— биздан катта меҳнатни талаб қилди. Мактаб ўқитувчиларидан иборат сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилар Х. Ашурова, О. Турсунғозиева, Ж. Бўрибоев, С. Бобомедовлар тушунтириш ишларини олиб боришда фаол иштирок этишди. Партия ва ҳукуматимизнинг кейинги қарор ва кўрсатмалари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказишди. Бу ишларнинг ҳаммаси сайлов кампаниясининг уюшқоқлик билан ўтишига ижобий таъсир этди.

Карнай ва сурнайларнинг овози ҳамон янграйди. Бутун халқ ўз иродаси билан депутатликка номзодликка кўрсатган кишиларга овоз беришга шошилади.

Б. СОЛИҲОВ.

САЙЛОВ ТОНГИДА

Ўтган сайловдан буён Ангрен шаҳрида катта ўзгаришлар содир бўлди. Иккита завод корпуси, бир қанча маданий-маиший ва тураржой бинолари қад кўтарди. Кўчалар равон, кўркам тус олди. Муҳташам, замонавий бинолар ўзининг шинам кўриниши билан шаҳар ҳусниға-ҳусн қўшиб турибди.

Дам олиш куни эрта тонгданоқ ана шу равон йўл ва кўчаларни шаҳар аҳолиси тўлдирди. Улар фахр-ифтихор ҳислари билан тўлиб-тошган ҳолда қизил байроқ мағрур ҳилпираётган агитпункт бинолари томон йўл олишди. Тантанали тусда ўтган демократия намойиши — маҳаллий Советларга сайловлар ҳақидаги бу сатрларни жамоатчи мухбиримиз Ф. Петров ёзиб юборган.

Редакциямиз сайлов тонги тўғрисидаги шу хилдаги мактубларни кўплаб олди. Уларда сайловдан сайловгача ўтган муддат орасидаги улкан ўзгаришлар туфайли областимизнинг шаҳар, район, қишлоқ, посёлка ва аҳоли пунктларида юксак кайфият билан халқ вакиллари учун овоз берилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Оққўрғонлик П. Эргашев, тошкентлик М. Фозилов, Ўрта чирчиқлик Ф. Сафиулина, Т. Усмонов, бўстонлиқлик Ш. Кенжаева ва бўкалик М. Тоировларнинг хатларида сайлов тонги тўғрисида шу хилдаги қайноқ жумлалар бор.

Жойлардан келган хатхабарлар умумхалқ байрами — халқ номзодларига овоз бериш юксак кўтаринкилик, активлик руҳида ўтганлигини билдирибтурибди.



Суратда: сайлов участкасида овоз бериш пайти.

МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Собир Раҳимов районидаги 21-сайлов участкаси эрта тонгданоқ сайловчилар билан гавжум бўлди. Карнай-сурнайлардан таралаётган наво дилларни тўлқинлантиради.

Сайлов қутиси олдига мўътабар отахонлар Ражаб Ермуҳамедов ва Иноможон Икромовлар келишади. Ином отанинг кўкрагида Октябрь революцияси ордени ва қатор медаллар ярқираб турибди.

Қадрли ўғил-қизларим, мен бахтиёрман, — дейди отахон. Шубҳасиз сиз ҳам бахтли-саодатлисиз, чунки ҳали инсон боласи бунақа тўкин ҳаётнинг, кўркам турмушнинг шоҳиди бўлмаган.

Бугун ҳам биз халқимизнинг асл, чинакам муносиб фарзандлари учун овоз берамиз. Мен шаҳар Советининг депутатлигига номзоди кўрсатилган Виктор Сергеевич Семёнов, район Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Ҳикматилла Мадазимов, Аҳмаджон Мамажонов, Жанна Дубининаларга ўтган овоз берар эканман, халқ учун жонбозлик кўрсатадиган бундай кишиларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман.

Ином отанинг гапини ҳамма қарсак билан қарши олди. Шундан кейин биринчи марта сайловда иштирок этаётган политехника институтининг 1 курс студенти Шавкат Тиллабоев, ошпазлар тайёрлаш техникумининг битирувчи талабаси Баҳодир Нуриддиновлар овоз бердилар. Улар ҳам ўз сўзларида партия ва ҳукуматимизга раҳматлар айтиб дил сўзларини баён қилдилар.

— Маҳаллий Советларга сайловлар уюшқоқлик билан ўтсин учун анча тайёргарлик кўрдик, — дейди участка сайлов комиссиясининг раиси Х. Рихсиев, — айниқса Ш. Махкамова, К. Махамадиева ва Н. Нигматуллина сингари агитаторларимиз сидқидилдан ишладилар.

Сайловлар куни бу уюшқоқлик сезилиб турди. 2 мингга яқин сайловчи қисқа муддат ичида овоз бериб бўлди.

Ф. НУРИДДИНОВ.

ШОДИЁНА

Сўқоқ қишлоғи бугун байрам либосида. Тоғ тарафдан эсаётган майин шабада дилларда аллақандай ҳузурбахш ҳис уйғотади. Чор атрофни қуршаб олган азим теракларнинг яшил япроқлари ҳам қарсак чалиб, нурафшон тонгни олқишлаётгандек. Таралаётган майин куй ва дилрабо қўшиқлар Калинин номли колхоз идораси томон саф-саф бўлиб одимлаётган кишиларнинг кайфиятига ҳамоҳанг. Бугун улар улкан демократия байрами —халқ номзодлари учун овоз беришга тўпланмоқдалар.

Кекса-ю ёшнинг чеҳрасида табассум, кўзларидан қувонч балқиб турипти. Бунинг сабаби фаровон ҳаёт, маъмурчилик. Чунки, кейинги йилларда колхоз меҳнаткашларининг турмуш даражаси ҳар томонлама юксалди. Маданий-маиший муассасалар сони ортди. Аҳолига медицина, савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш намунали ташкил этилмоқда. Ўтган йили 6 километр узунликдаги Сўқоқ-Паркент йўли капитал ремонтдан чиқарилди. Яна сартарошхона, тикувчилик цехи очилди. Колхоз экономикаси дадил одимлар билан ривожланди. Давлатга йил сайин кўплаб узум, мева, чорва маҳсулотлари ва ғалла етказиб бераётган сўқоқликлар янада бой-бадавлат яшай бошлашди.

Тўпланганлар бугун ана шу фаровонликка актив фаолиятлари билан муносиб ҳисса қўшаётган ишончли ўғил-қизлари учун овоз беришга келишган.

Сайловни намунали ўтказиш учун кўп куч-ғайрат сарфлаган сайлов участкасининг раиси Озод Аъзамов, раис ўринбосари Шоди Йўлдошев, секретарь Абдуманноп Холиқовлар агитатор ва йиғилганлар даврасида суҳбатлашиб туришибди. Соат 6 да маҳаллий Советларга сайловлар бошланганлиги билдирилади.

Сайлов қутиси олдида меҳнат ветерани, маҳалла комиссиясининг раиси Усмон Абдуллаев. Отахоннинг босиб ўтган сермазмун умр йўли қишлоқнинг деярли ҳамма ёшларига ўрнак.

— Азиз фарзандларим,— деди Усмон ота овоз бераётиб,— сизларни бугунги байрамимиз билан чин қалбдан табриклайман. Замона бизга ҳамма имтиёзларни бериб қўйган. Кимки меҳнат қилса номи улугланиб кетаверади.

Чиндан ҳам коммунистик жамият қуриш йўлида турли жабҳаларда тер тўкаётганлар бизнинг мамлакатимизда катта эркинлик ва ҳуқуққа эгадирлар. Бугун область Совети депутатлигига номзоди овозга қўйилаётган Мирсобит Ҳосилов ҳам ҳамқишлоқларининг юксак ишончига ўзининг ҳалол меҳнати туфайли сазовор бўлган. Бултур ҳисобчи бўлиб ишлаган сергайрат йигит бу йил ғаллачилик бригадасига муваффақиятли етакчилик қилаяпти.

Алфавитлар бўйича рўйхат тутган агитаторлар — ишчи Баҳром Ўроқбоев, колхозчи Қудратбуви Бурхонова, ўқитувчи Робит Обидов ва Тоиржон Эргашевлар учун масъулиятли, лекин шарафли дамлар бошланди. Улар ўз вазифаларини чақконлик билан ado этишга киришдилар. Юзларидан олам-олам қувонч ва нфтихор ёғилиб турган сайловчилар маҳаллий Советларга депутатлар учун овоз бера бошлашди.

Ўз гражданлик ҳуқуқидан фойдаланиб уйига қайтаётганлар суҳбатида ҳам мамнунлик бор. Бунинг боиси улар депутатликка муносиб кишиларни кўрсатишди. Район Совети депутатлигига лозим топишганлари — тракторчи Умар Бувабоев, пахтачилик звеносининг бошлиги Маҳбуба Ахтамова, соғувчи Шарофат Турсуновалар ҳаммиша эл хизматини кўнгилдагидек бажарибгина келган кишилар. Ҳалол ва шарафли меҳнатлари билан кўпчиликка танилган Д. Шокирова, М. Турсунбоева, Х. Қорабоева, Ф. Эрмонов, С. Назаровларни ҳам район Совети депутатлигига тасдиқ қилиб овоз беришди. Уларнинг элюрт фаровонлиги учун бундан буён ҳам фаол курашаверишларига ишончлари комил.

Бир неча бор агитаторлар томонидан ташкил қилинган номзодлар билан аҳолининг учрашувлари ва катта тушунтириш ишлари натижасида сайлов уюшқоқлик билан давом этди. Туш пайтигача 35-Сўқоқ сайлов участкасида 2377 киши овоз бериб бўлди. Янграб турган музика садолари остида кишилар якдиллик билан ўз вакилларига бўлган меҳр-муҳаббатларини, совет халқига хос буюк жипсликни ва бирдамликни намойиш этдилар.

Б. АҲМЕДОВ,
Юқори Чирчиқ райони.

ЮКСАК АКТИВЛИКДА

Бу ерда эрта тонгданоқ қишлоқ узра музика тароналари янгради. Агитпункт мудири Роберт Сергеевич Когайнинг қувончи чексиз. Байрам шодиёнаси худди у ўйлаганидек файзли бошланди. Ҳар қачонгидек бу гал ҳам сайлов қутиси олдига колхоз ветеранлари йиғилдилар. Улар халқимизнинг муносиб номзодлари учун овоз берар эканлар, икки оғиз бўлса ҳам дил сўзларини баён этадилар. Колхоз тузилишидан бошлаб бугунга қадар шонли меҳнат традицияларини яратиб келаётган бу кекса авлод вакиллари сўзларининг мазмуни битта: «Бугунги бахтиёр, фаровон турмуш учун Коммунистик партияга, ҳукуматимизга катта раҳмат».

— Бу ерлар нақадар фақат тўқайзорлардан, ботқоқликлардан иборат эди,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Тилла Мирбобоев,— эндиликда чинакам гулистонга айланди ва бу ерда «Северний маяк» колхози гуркираб ўсмоқда. Бу Октябрь туфайли одил тузумимиз яратган эрк ва ҳуқуқдан. Мен бугун ҳамма қатори халқ ҳокимиятини идора этишдаги қуйи орган — маҳаллий Советларга сайланаётган депутатлар учун бажонидил овоз бераман.

Ленин номли қишлоқ Совети депутатлигига сайланаётганлар орасида турли касб эгалари бор. Ким Игнатий бу ҳўжаликда агроном бўлиб ишлайди. Колхозчилар уни ўз мутахассислигининг устаси сифатида танийдилар. У ернинг тилини билади. Кекса деҳқонлар маслаҳатига, институтда олган назарий билимларига ва иш жараёнида орттирган тажрибаларига таянган ҳолда иш тутади. Ким агрономлик қилаётгандан бери йил сайин ҳосилдорлик гектар бошига ўртача икки центнерга ортиб бормоқда.

Сайловчилар мактаб директори Павел Тихонович Ким, пахтакорлар Михаил Пягай, Ҳурсанбуви Қулматова, ўқитувчи Аркадий Югай, бригада бошлиги Турсун Ўрозов ва бошқа номзодлар учун якдиллик билан овоз бердилар. Бу ерда маҳаллий Советларга сайловлар катта шодиёнага айланди.

С. ҲАСАНОВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

ЯКДИЛЛИК

СОАТ ЎН БИР бўлмасданоқ участка сайлов комиссиясининг секретари Л. И. Головина юқори ташкилотларга қуйидаги ахборотни берди: 15-сайлов участкасида овоз бериш жуда яхши кетмоқда. Ҳозирга қадар сайловчиларнинг 60 процентдан зиёдроғи овоз бериб бўлдилар. Соат тўртларгача юз фоиз бўлади.

...Ҳақиқатан ҳам пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги 15-сайлов участкасида овоз бериш уюшқоқлик билан бошланди. Эрталаб соат олти бўлмасданоқ карнай-сурнай ва музика садолари шўҳчан янгради. 148-мактабда жойлашган сайлов участкасига нуроний онаҳонлар, отаҳонлар, башанг кийинган йигит-қизлар бирин-кетин кириб кела бошладилар. Биринчи бўлиб овоз берган отахон А. Мирсоатов бюллетень қутичаларини олдига борар экан, шундай деди: «Мен дунёда тинчлик сиёсатини оғишмай амалга ошираётган жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз учун овоз бераман. Дунёда тинчлик барқарор бўлса, ҳар бир хонадонда ҳам осойишталик ва ҳузур-ҳаловат ҳукм суради. Бизлар уруш нималигини биламиз. Келажак авлодлар буни кўрмасин». Бу фикрга сайловчилардан С. Р. Бобожонов, М. Алимова ва А. Макаров сингари ўртоқлар ҳам бажонудил қўшилдилар.

Кеч соат беш бўлмасданоқ деярли барча аҳоли сайлов қутичалари олдидан ўтиб бўлдилар. Улар район партия комитетининг биринчи секретари П. Юсупов, Тошкент трактор заводининг пайвандловчиси А. Н. Звягина, «Протезист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Р. А. Мосесов, «Главстройиндустрия» слесари А. С. Авакумов, 2521-автоколонна бошлиги Б. Л. Айрапетян, 27-намунали магазин катта сотувчиси М. Эшонхўжаевалар учн якдиллик билан овоз бердилар.

У. РАҲИМОВ.



ЎТГАН якшанба куни бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам маҳаллий Советларга сайловлар катта байрамга айланиб кетди. Сайловчилар коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блокининг номзодларига якдиллик билан овоз берар эканлар, бугунги фаровон турмушимиз ва порлоқ келажак учун партия ҳамда ҳукуматимиздан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этдилар. Бу суратлар (чапдан ўнгга) Тошкент олий партия мактаби, Тошкент ва Оржоникидзе районларида сайлов тонгида плёнкага туширилган.

А. Абалян фотолари.



ҲАҚИН келажакда Урта Осиёда энг йирик дам олиш зоналаридан бирига айланадиган Чорвоқ денгизи зонасида дам олиш уйлари, санаторийлар, пионер лагерлари, туристик базалари мавжуд. Ҳар йили бу ерда 10 мингдан зиёд киши хордиқ чиқаради. Суратда: Чорвоқ денгизида.

И. Чернов ва Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ПОЛЬШАЛИК РАССОМ ҚУРГАЗМАСИ

РЕСПУБЛИКА рассомларининг кўргазмалар залида шу кунларда польшалик график Стефан Суберляк уз асарларини намойиш этмоқда. Санъат мухлислари дўст мамлакат рассомининг ишларини зўр қизиқиш билан кузатмоқдалар.

Кўргазма Польша Халқ Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР рассомлар союзлари ташаббуси билан ташкил қилинди. Унда Польша графикасининг кейинги йиллардаги тараққиёт йўлининг характерли хусусиятлари ўз ифодасини топган.

С. Суберляк ўзининг ажойиб асарлари билан донг тратган рассомлардан. У яратган полотнолар Польшадаги Варшава, Краков, Белосток шаҳарларининг миллий тўпламларда, Нью-Йорк, Токио, Вашингтон ва бошқа мамлакатларнинг энг йирик шаҳарлардаги музейларида сақланмоқда. Тошкентда намойиш этилаётган асарларида эса рассом асосан қишлоқ ва унинг кишиларига бўлган муҳаббатини ифодалайди. «Тоғлик киши», «Даладан» сингари асарлар санъат мухлисларида айниқса катта таассурот қолдирмоқда.

ЯНА БИР УНИВЕРСИТЕТ

ШУ кунларда шаҳримизнинг турли мактабларида кўзга кўринган кўплаб архитекторларни учратиш мумкин. Улар меъморчиликка ҳаваси ва қобилияти бўлган йигит-қизларни Ўзбекистон архитекторлар союзида очилган университетга жалб қилишмоқда.

Ёш меъморлар университетида машғулотлар бошлаб юборилганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай тингловчилар сони тобора ортмоқда. Уларга таниқли архитекторлар Ватанимиз ҳамда чет эл меморчилик санъатининг ютуқларини ўргатмоқдалар, кўхна санъат сирлари билан таништирмоқдалар. Тингловчилар фақат машғулотларда қатнашибгина қолмай, янги лойиҳалар муҳокамасида ҳам иштирок этадилар. Шунингдек уларни республика шаҳарлари бўйлаб экскурсияларга олиб чиқиш ҳам мўлжалланмоқда.

ҚУРУВЧИ ДЎСТЛАРИМГА

Кўз ўнгимда асрий бир жамол,
Шуъла сочди ҳайратдан нишон:
Сен қурувчим буюк, шиддаткор,
Вақтдан ўзиб кетдинг бу замон.
Эртакларда айтилгансимон,
Тезликларга қўл урдинг
ҳар чоқ...
Руҳинг билан юксалди жаҳон,
Юксакларда сен ёқдинг чироқ!
Биз жаннатни яратамиз ҳам,
Арзир, дўстим кўкракни керсак.
Янги макет!
Янги лойиҳа!
Будир янги —
шу Тошкент демак!
Қурилиш —
Бу, порлоқ келажак,
Нур ёғилган инсон онгида.
Қурилиш,
бу, қуёш балқажак,
Истиқболнинг нурли тонгида!
О, дўстларим кутмоқда бизни,
Бир ҳаётким таҳсинда олам.
Очмоқдадир шафақли юзин,
Ташланмоқда нурдан пойқадам....
Йўқ, биз бино қурмадик фақат,
Баландликлар энди эмас сир:
Гарчанд, бориб қаватма-қават,
Қуражакмиз ёркин бир қаср.

Ф. ХОНКЕЛДИЕВ.

ИНҚИЛОБ ЧАВАНДОЗЛАРИ

Совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишондаш арафасида Октябрь байроғини баланд кўтариб, Совет ҳокимияти ва социализм ғалабаси учун фидокорона курашган Коммунистик партия содиқ фарзандларини зўр ҳурмат билан хотирламоқда.

Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган кекса олим **Лазиз Азиззоданинг «ЯНГИ ҲАЁТ КУРАШЧИЛАРИ»** китоби (Тошкент, 1976) муҳим аҳамиятга эгадир. Автор ўзининг шахсий хотиралари ва бой материаллар асосида Ўзбекистонда Совет ҳокимияти ва социализм учун курашган рус, ўзбек, қозоқ, тожик ва бошқа миллат вакилларининг фаолиятини атрофлича ва билимдонлик билан ёритишга муваффақ бўлган.

Асар кекса коммунистлардан бири Н. Ҳўжаевнинг машаққатли ҳаёт йўли ва самарали фаолиятини кўрсатишдан бошланади. Н. Ҳўжаев биринчи рус революцион давридаёқ ўз революцион фаолиятини бошлаган эди. У 1905 йилда босмахонада ҳарф терувчилик билан шуғулланиб, рус революционерларининг таъсирида варақа ва прокламацияларни тайёрлаш ва тарқатишда иштирок этган. У социал-демократик ташкилотлар мажлисларида қатнашиб, сиёсий онгини ўстириб борди. 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашиб, чоризм тузумига қарши курашларда тобланди. У Октябрь революциясининг дастлабки йилидаёқ Коммунистик партия сафига кириб, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда жонбозлик кўрсатди.

Асарда таниқли партия арбобларидан бири Т. Рисқулов ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Т. Рисқулов оддий хизматкорликдан йирик партия ва давлат арбоби даражасигача кўтарилиб, барча кучғайрати ва билимини инқилоб ишидан аямаган.

Мирзараҳмон Мусахоновнинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Асарда кўрсатилишича, М. Мусахонов ўзининг кўп қирралн фаолиятида янги усул мактабларини очиш, газеталар нашр этиш ва театрлар ташкил этиш каби ишларида қатнашди. Шунингдек, чоризм ва феодализм тузумига қарши қаратилган 1916 йилги халқ кўзғолонида жонбозлик кўрсатиб, уқаси Мирзараҳим билан шимолга — Архангельскка бадарға қилинди. Унинг революцион фаолияти сургундан қайтгандан кейин рус революционерлари таъсирида янги бо.қичга кўтарилди. У ўлкада биринчилар қатори Коммунистик партия сафига кириб, босмачилик ҳаракатини тор-мор этиш, Хоразм ва Бухорода Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашди.

Асарда С. Турсунхўжаевга бағишланган лавҳа ҳам қизиқиш билан ўқилади. Ёшлигида рус-тузем мактабини тугатиб, илғор рус маданиятидан баҳраманд бўлган С. Турсунхўжаев партия қаерга юборса, шу ерда ўзига топширилган вазифани сидқидилдик билан адо этган. Асарда марднорликка олиниб, Россиянинг ички томонларига юборилган ва кейинчалик Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашган Октябрь шунқорлари фаолиятига ҳам эътибор берилган.

Ёшлигида революцион ҳаракат доирасига тортилганлардан бири Алоуддин Аҳмедов эди. Бу кекса коммунист рус-тузем мактабини битиргач, босмахонада ҳарф терувчилик қилган, 1916—1917 йилларда эса революционер Д. И. Манжара билан алоқада бўлиб, варақа-кил этиш каби ишларида қатнашди. Шунингдек, чоризм ва феодализм тузумига қарши қаратилган 1916 йилги халқ кўзғолонида жонбозлик кўрсатиб, уқаси Мирзараҳим билан шимолга — Архангельскка бадарға қилинди. Унинг революцион фаолияти сургундан қайтгандан кейин рус революционерлари таъсирида янги бо.қичга кўтарилди. У ўлкада биринчилар қатори Коммунистик партия сафига кириб, босмачилик ҳаракатини тор-мор этиш, Хоразм ва Бухорода Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашди.

Асарда С. Турсунхўжаевга бағишланган лавҳа ҳам қизиқиш билан ўқилади. Ёшлигида рус-тузем мактабини тугатиб, илғор рус маданиятидан баҳраманд бўлган С. Турсунхўжаев партия қаерга юборса, шу ерда ўзига топширилган вазифани сидқидилдик билан адо этган. Асарда марднорликка олиниб, Россиянинг ички томонларига юборилган ва кейинчалик Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашган Октябрь шунқорлари фаолиятига ҳам эътибор берилган.

Ёшлигида революцион ҳаракат доирасига тортилганлардан бири Алоуддин Аҳмедов эди. Бу кекса коммунист рус-тузем мактабини битиргач, босмахонада ҳарф терувчилик қилган, 1916—1917 йилларда эса революционер Д. И. Манжара билан алоқада бўлиб, варақа-берди. Доҳиймиз билан бўлган бу учрашув менда унутилмас таассурот қолдирди». А. Аҳмедов партия йўлланмаси билан Закавказьега бориб, бу ерда Совет ҳокимияти учун оловли курашларда фаол қатнашди.

Китобда Мустафо Субхий, Феодор Желтиков, Артём Осипов, Икром Каримов ва Коммунистик партиянинг бошқа содиқ вакиллари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Республикамизда социалистик маданиятни қуриш ва ривожлантиришда фаол қатнашган кекса коммунистлар ҳақидаги маълумотлар ҳам мамнуниятлик билан ўқилади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ социалистик маориф ва маданиятни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган Зуҳра Юсупова, Сожида Носирова, Ойпошша Жалилова, Тожихон Рустамбекова, Ҳабиба Юсупова ва Мактуба Носирова сингари аёллар ҳақида ҳам китобда маромқи қисқа қилинади. Улар «Ҳужум» даврида ўзбек хотин-қизларини паранжидан озод қилиш ва уларни жамоат ишларига кенг жалб этишда ҳам муҳим роль ўйнаганлар.

Л. Азиззоданинг асари сермазмунлиги ва оригиналиги билан ажралиб туради. Шубҳасиз, бу асар Совет ҳокимияти ва социалистик маданият равнақи учун жонбозлик кўрсатган эл фарзандларига бағишланган китоблар орасида муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳ. ЗИЯЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Спорт

КУБОК УЙИНЛАРИДА

СССР кубоги учун бўлиб ўтган нимчорак учрашувлари ишқибозларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Чунки бу йил мамлакатнинг энг кучли командалари билан бир қаторда иккинчи эшелон коллективлари ҳам биллур соврин учун тенгматенг баҳс юритмоқдаар. Жумладан, тошкентлик пахтакорчиларнинг нимчорак финалдаги рақиби «Искра» (Смоленск) командаси қуйи лигада бўлса ҳам бундан аввалги учрашувларда «Кемеровонинг «Кузбасс» ва Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаларини мағлубиятга учратган эди.

Пахтакорчилар Смоленскда бўлган уйинда ташаббускорлик кўрсатиб ҳаракат қилдилар. Бу учрашувда ғалаба командамиз учун жуда зарур эди. Чунки чемпионатдаги дастлабки мағлубиятдан кейин команда ўзини ўнглаб олиши лозим эди. Шу боисдан ҳам пахтакорчилар бор маҳоратларини ишга солдилар. Сафга қайтган Михаил Ан ғалабага ҳисса қўшди ва майдон эгалари дарвозасига битта тўп киритди. Биринчи тўп автори эса Басов бўлди. «Искра» футболчилари «Пахтакор» дарвозасига битта жавоб тўпи киритдилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: ЦСКА—СКА (Киев) — 1:2, «Спартак» (М) — «Торпедо» (М) —1:3 (пенальти), «Қайрат» —«Динамо» (М) —0:2, «Зенит» —«Карпати» —2:0, «Динамо» (К)— «Спартак (И—Ф) — 2:0, «Днепр» — «Заря» — 1:3, «Шахтер» — «Динамо» (Мн)—1:0.

«Пахтакор»нинг чорак финалдаги рақиби қуръа ташлангандан сўнг маълум бўлади.

МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Қарағанда шаҳрида самбо бўйича Совет Иттифоқи чемпионати ниҳоясига етди. Бу беллашувларда 200 га яқин кучли спортчилар ўзаро мусобақалашдилар.

Республикамиз шарафини ҳимоя қилган етти спортчидан тўрт киши уйга медаль билан қайтди. Тошкентлик армиячи оғир вазнли В. Сободирев барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, СССР чемпиони бўлди. Динамочилар С. Гогнадзе ва А. Долженколар эса кумуш медалга, уларнинг клубдоши Л. Звягинцев бронза медалига сазовор бўлди.

ЕТТИНЧИ ЎРИН

Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программасидаги сув полоси мусобақаларини муваффақиятли бошлаган Ўзбекистон ватерполчилари сўнгги учрашувларда қоқилиб қолдилар. Вакилларимиз кетма-кет РСФСР ва Грузия терма командаларига ютқазиб қўйиб, асосий совриндлар учун курашдан маҳрум бўлдилар.

Сўнгги якунловчи учрашувда Ўзбекистон терма командаси еттинчи ўрин учун тожикистонликлар билан куч синашди. Бунда республикамиз вакилларининг қўллари баланд келди, ҳисоб —7:6. Шундай қилиб, Ўзбекистон ватерполчилари ёшлар ўйинлари мусобақаларида еттинчи ўрин билан кифояландилар.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИДА

Ўтган якшанба куни Тошкентдаги ТуркВО отиш стендида республика шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Бунда команда ҳисобида армиячилар биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринни «Меҳнат», учинчи ўринни «Зенит» кўнгилли спорт жамияти республика совети командалари олишди.

Шахсий ҳисобда айланма стендда тошкентлик Ю. Тимофеев («Меҳнат») ва траншея стендида пойтахтлик армиячи Н. Савиничлар биринчи бўлишди.



ЎЗБЕКИСТОН илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси республикамиз ҳақида ҳикоя қилувчи янги «Тенг-ҳуқуқлилар оиласида» лентасини суратга олмоқда. Унинг сценарийсини журналист Г. Меликянц ёзган. Режиссёр — Ҳ. Ибрагимов. Суратда (чапдан) оператор А. Мирумян ва унинг ассистенти Б. Ниёзовлар Тошкентнинг янги манзараларини суратга олмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

ЕШЛИҚНИ янги либосдек асраш керак.

ГРУЗИН мақоли.

* * *

ЕШЛИКДА адашишлик ҳам бўлади, аммо уни қариликда ҳам ҳамроҳ қилиб бўлмайди.

В. ГЕТЕ.

ЕШЛАРНИНГ кўзи олов сочади, қарияларнинг назари нур сочади.

П. ВАРЛИН.

* * *

Э, ОДАМЛАР, кексаларни киноя ва таъна қилманг, ҳурматла боқинг. Чунки, бу кишилар бутун бўлажак воқеаларнинг яхши — ёмонлигидан воқифдирлар.

«СИНДБОДНОМА»дан.

БАХТЛИ ёшлар сира ғурур этмагай,
Қарилар сўзидан узоқ кетмагай.

С. ШЕРОЗИЙ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

18-ЯНГИЙЎЛ УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Озиқ-овқат саноати технологик жиҳозларини созловчилар, мебель усталари, токарлар, саноат жиҳозларини ремонт қилувчи слесарлар, автомобилларни ремонт қилувчи слесарлар, электромонтажчилар, дурадгорлар.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 3 йиллик группага қабул қилинган ўқувчилар мутахассислик билан бирга ўрта мълумот ҳам оладилар.

Ўқувчилар дулсиз 3 маҳал овқат, кийим-бош ва бошқа жойдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳунар мактабига 8, 9, 10 синфни битирган 15—17 ёшдаги йигит-қизлар ва ҳарбий хизматни тугатганлар қабул қилинади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, шаҳодатнома (8, 9, 10-синфни битирганлиги тўғрисида), паспорт, ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, 4 та фотосурат (3х4 см, катталикдаги), характеристика, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка.

Адрес: Янгийўл шаҳар, Туркманбоғи, 18-ўрта ҳунар-техника билим юрти, телефон 53-75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

4-БЕКОБОД УРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1977—78 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Чорвачилик фермаси бўйича механизатор-электромонтёр — ўқиш муддати — 3 йил.

Чорвачилик фермаларн учун слесарь-сантехниклар ва электромонтёрлар — ўқиш муддати 3 йил.

Сут соғиш машиналари бўйича мастерлар ва моллярни парваришлаш бўйича операторлар — ўқиш муддати — 3 йил.

Кенг ихтисосли трактрчи-машинист ва қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш бўйича малакали слесарь — ўқиш муддати — 3 йил.

3-классли трактрчи-машинист — ўқиш муддати — 1 йил.

Автослесарь ва 3 классли шофёр — ўқиш муддати — 1 йил.

Урмон хўжалиги бўйича механизатор — ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА УРТА МАКТАБНИНГ 8—10-СИНФИНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 10—20 сўмдан стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ва кийим-кечак билан бепул таъминланадилар.

3 йиллик группаларда ўқиб турган ўқувчилар 21 ёшгача Армия сафига чақирилмайди. 3 йиллик группаларни тамомлаган ўқувчиларга мутахассислик билан бирга ўрта маълумот ҳақида диплом берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқишни аъло баҳо билан битирган ўқувчиларга институтнинг махсус факультетларига кириш учун катта имтиёзлар берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

АРИЗАЛАР 25 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига ўқишга кирувчилар: туғилганлиги ва мактабни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг асл нусҳасини, директор номига ариза ва 4 та (3х4 см, ҳажмда) фотосурат топширадилар.

Билим юртининг адреси: Бекобод шаҳар, Киров посёлкаси, ССПТУ-4. Қабул комиссияси.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

32-ҚИШЛОҚ ЎРТА-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977 — 78 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг ПРОФИЛЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТЛАР, УЧИНЧИ КЛАСС ШОФЁРЛАРИ, СЛЕСАРЛАР, МЕВАЧИЛИК ва САБЗАВОТЧИЛИК МАСТЕРЛАРИ, ШОФЁР-СЛЕСАРЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ва УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 — 3 ЙИЛ.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР СТИПЕНДИЯ, ИССИҚ ОВҚАТ ВА КИЙИМ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат, армияга чақирилувчилар учун гувоҳнома, таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Янгийўл район, Халқобод посёлкаси,

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ» ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИГА

тепловоз машинисти ёрдамчилари, тепловозлар ремонти бўйича слесарлар, токарлар, электр пайвандчилар, газ пайвандчилар, ҳаракатдаги составни ювувчи-уборишчилар, такелажчилар, темирйўл ва кўприк кранлари кранчилари, электр поездларининг проводниклари

КЕРАК

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА

лойиҳаловчи мутахассислар, тог инженерлари, сув таъминоти ва канализация бўйича механиклар, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция бўйича механиклар, экономистлар, қурувчилар, геннал бўлимига: — инженер, катта инженер ва группа раҳбарлари лавозимларига программаловчилар

КЕРАК

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

йигирувчилар, текисловчилар, йигирувчилар, лентачилар, тўқувчилар, зарядловчилар, тароқловчилар, ярчуқчилар, ўровчилар, йигирув ва тўқув ишлаб чиқариши мастерларининг ёрдамчилари, слесарлар, электромонтёрлар

КЕРАК

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

УЗ ГЭС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ИШЛАР БОШҚАРМАСИГА

экскаватор машинистлари ва бульдозерчилар, газэлектр пайвандчилар, слесарь-ремонтчилар, бош бухгалтер ўринбосари

КЕРАК

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент, Пролетар кўчаси, 4., 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий ва район пунктлари.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **«Дўст-ўртоқлар»** (бадиий фильм). 11.40 — Ҳайвонот оламида. 15.30 — «Меҳнатинг-иқболинг». 16.25 — **«Менда шер бор»** (бадиий фильм). 17.45 — Москваликлар беш йиллик маршида. 18.30 — «Қўшиғимиз парвоз эт» (болалар концерти). 19.00— **Янгиликлар.** 19.10 — Ҳамма нарсани билишни истайман». 19.20 — Ҳамдўстлик ва ҳамжиҳатлик йўлларидан (ҳужжатли фильм). 20.15 — **СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз.** 20.25 — **«Уч мушкетёр»** (бадиий фильм. 2-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.45 —Мирей Матье куйлайди. 23.30 **—Қиличбозлик бўйича халқаро турнир.** 23.50 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **«Ҳанжар»** (бадиий фильм, 1-серия). 12.40 — Ҳужжатли фильм. 13.05 — Париж Биби Марям ибодатхонаси. (фильм-балет). 13.30 — **«Нормандия-неман»** (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — **СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси.** 19.05 — **Ахборот.** 19.20 —Ҳамжиҳатлик ва ҳамдўстлик йўлларидан (Москва). 20.15 — Ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслари. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — «Чет эллик куёв» (спектакль). 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.45 — «Чет эллик куёв» (спектаклнинг давоми).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.40 — Математика. 20.40 — **Янгиликлар.** 20.55 — Классик куй саҳифалари. 21.30 — Физика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21|VI да **Тоҳир ва Зуҳра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22|VI да **Фарғона тонг отгунча.**

ЦИРК

21, 22 ИЮНДА ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ —**Картуш; Иккинчи ҳақиқат** (катта зал), **Сангам** (кичик зал, кундуз ва кечқуруи).

Картуш; Иккинчи ҳақиқат — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

«Айвенго» яхтасининг сири — «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), **«ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА»** (кундуз ва кечқуруи).

Ширин аёл — ҲАМЗА номли (жуфт соатларда), **«ДРУЖБА»** (тоқ соатларда), **«УЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ», «УЗБЕКИСТОН»** (кундуз ва кечқуруи).

Картуш — «НУКУС» (кундуз ва кечқуруи).

ЕЗГИ БИНОДА

Картуш — «ФЕСТИВАЛЬ».

«Айвенго» яхтасининг сири —«ХИВА».

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

21 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

ЮЗИНЧИ МАРТА

ИЗЗАТ СУЛТОН асари

КЎРМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

(2 пардали драма)

Саҳнага қўювчи режиссёр — Р. ҲАМИДОВ.

Режиссёр ассистенти — С. УМАРОВ.

Рассомлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — Г. БРИМ ва У. САЙДАЛИЕВ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Н. ГИНЗБУРГ.

Касса соат 10.00 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 13249. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1648.